

**МАЊАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ**

Хошимова Гўзал Фатхуллаевна

Тошкент фармацевтика институти катта ўқитувчиси

Хусанбоева Юлдуз Бахтиёровна

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти катта ўқитувчиси

Аннотация: Уибу мақола Ўзбекистонда мањавий тараққиётни таъминлаш борасидаги ислоҳотларнинг янги босқиҷида таълим тизими масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини, бу борада кенг кўламли ислоҳотлар бошланиб, соҳадаги жиоддий ўзгаришилар ҳақида сўз боради. Мањавият, илм-фан ва таълим соҳасидаги интеграция жараёни шунингдек, уибу тизимнинг ижтимоий ўзгаришиларда ролини оширишидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Мањавият, илм-фан, таълим, мањавий тараққиёт, давлат сиёсати, **тарбия**, интеграция, инсоний қадр-қиммат, комиллик, концепция, интеллектуал тараққиёт, инновацион фаолият, ракамли технология, таълим платформалари, учинчи Ренессанс.

**EDUCATION SYSTEM AT A NEW STAGE OF REFORMS TO ENSURE
SPIRITUAL PROGRESS**

Xoshimova Go'zal Fatxullayevna

Senior lecturer of the Tashkent Institute of Pharmaceutics

Xusanboyeva Yulduz Baxtiyorovna

Senior lecturer, Institute of Pharmaceutical Education and research

Annotation: This article will talk about the fact that at a new stage of reforms to ensure spiritual progress in Uzbekistan, the issue of the educational system has been raised to the level of Public Policy, large-scale reforms have begun in this regard and serious changes in the field. The process of integration in spirituality, science and education is also addressed in terms of the importance of this system in increasing its role in social change.

Keywords: Spirituality, science, education, spiritual progress, public policy, upbringing, integration, human dignity, perfection, concept, intellectual progress, innovation activity, digital technology, educational platforms, third Renaissance.

“Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”.

Шавкат Мирзиёев

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар бугун том маънода жамият тараққиётининг янги босқичига қўтарилганини намоён этади. Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Стратегик мақсад нуқтаи назаридан инсон ва жамият тараққиёти маънавият билан ўлчанади. Шунинг учун маънавий юксалиш жараёни миллий тараққиётнинг нафақат белгиси, худди шунингдек, мақсади ҳамдир. Демак, маънавий юксалиш ва таълим тизими тараққиёти жараёнини ижтимоий феномен сифатида умумтараққиётнинг мақсади билан уйғунликда қараш зарур. Юқорида қайд этганимиздек, маънавий юксалиш, таълим тизими тараққиёти ва миллий тараққиёт жараёни жамиятнинг стратегик мақсадлариiga хизмат қиласи, ўзининг хусусиятлари ва функционал вазифаларини белгилашдан ана шу мақсадлардан келиб чиқади. Бу ҳол маънавий юксалиш, таълим тизими ва миллий тараққиёт жараёнига ҳам тааллуқлидир.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ:

Мақола умумий қабул қилинган методлар - муаммовий-мақсадли ва функционал ёндашув, диалектик таҳлил, қиёсий-мантиқий таҳлил, фалсафий мушоҳада усулларидан кенг қўлланилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маънавий юксалиш ва таълим тизими тараққиёти билан ўзаро диалектикаси баён этилган. Мустақиллик даврида мамлакатимизда ушбу мавзуу Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаххарова, Г.Туленова, С.Рахимов каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам ёритилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ:

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида маънавий юксалиш ғоясининг муҳимлигига тўхталиб, шундай деган эди: “Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш - биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу боис, “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юрга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш - ўта шарафли вазифадир”. Маънавий юксалиш ва таълим тизими тараққиёт жараёни

субъект (шахс, миллат, халқ)нинг экзистенционал борлиқда ўзининг тарихий-маданий, ижтимоий-ахлоқий диний-рухий, бадиий-эстетик қадриятларига, борлиқни билишда гносеологик тажрибаларига эга эканини идрок этишидир. Жамият ҳаётини демократлаштириш даврида маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёни халққа, миллатга оид рамз, белги, анъана ва қадриятлар орқали ҳам ўз хусусиятини намоён қиласди. Дунёда ўзининг муайян давлат рамзларига эга

бўлмаган халқ, миллат йўқ. Айнан рамзлар кишиларни бир-бирига яқинлашини тезлаштиради, улардаги умумийликни ёрқин намоён этади. Зоро, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қиласди. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, кучли тарбия воситаси ҳисобланади. Маънавий юксалиш ва таълим тизими тараққиёти жараёни биринчидан, халқимиз яратган маънавий-ахлоқий қадриятларни, меросни ўзлаштиришга, ва миллий тараққиёт жараёнига, иккинчидан, шахсни инсоний фазилатларини намоён этишига, жамиятда инсонпарварликни мустаҳкамлашга ундейди. Шу тариқа маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёнининг ўзи маънавий-ахлоқий фазилатлар, инсонпарварлик тарзида намоён бўлади. Бу эса уни, яъни маънавий юксалиш ва миллий тараққиёт жараёнини умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашишга олиб келади. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – тарбиядир. мустақиллик қўлга киритилган бошлаб мамлакатимизда ёшлиарнинг онги ва тафаккурига миллий ўзлигимизни англашнинг муҳим омили сифатида қаралди ва бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони, 2019 йил 31 декабря Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” концепциялари қабул қилинди. Миллий-маънавий юксалиш жараёни тарихан илгарироқ юзага келади, бу жараён халқ ва миллатнинг шаклланиши билан бирга реалликка айланади: бусиз миллат мақомга эга эмас. Шуни таъкидлаш зарурки, халқнинг, миллатнинг барқарор

ижтимоий этник бирлик сифатида тарих саҳнасидан жой олиши маънавий ўзлигини тарихий-маданий жараёнларда намоён этишига боғлиқдир. Маънавий юксалиш жараёни узоқ тарихий тараққиёт даврида авлодларнинг маънавий, ижодий, гносеологик изланишлари натижасида пайдо бўлади. Миллат шакллангани сари у аниқ кўринишга, маълум бир тамойиллар, нормалар, моделлар, қадриятлар тарзига ўтиб муқим, барқарор, миллий маданиятнинг муҳим қисмига айланади. Масалан, ўзбек халқи маънавий ўзлигини аждодларимизнинг гуманистик мероси, Ислом динидаги умуминсоний қадриятлардан излаши бехуда эмас. Чунки уларда халқимизнинг орзу-умидлари, ахлоқ, одоб, эзгулик, адолат, муҳаббат, раҳм-шавқат, фаровон ҳаёт ҳақидаги илгор ғоялар ўз аксини топган. Айнан шу компонентлар фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида бугун ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси, маънавий маданиятининг асоси сифатида

ўрганилмоқда. Маънавий юксалиш жараёни миллий тараққиётнинг моҳиятини англашнинг муҳим бўлаги. Миллатлар, халқлар, умуман тараққиёт тарихини ўрганиш кўрсатадики, маънавий ўзликни англашсиз миллат, халқ ўзининг мустақиллигига эришолмайди ҳам, уни сақлаб қололмайди ҳам. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёни бир-бирига диалектик боғлиқ, шу маънода, миллатнинг, халқнинг сиёсий стратегик мақсади ва ушбу мақсадга эришгач, уни ижтимоий-сиёсий жихатдан мустаҳкамлаш воситаларини, механизмларини, институтларини яратиш мақсади уйғунлашиб келади. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнининг ўзаро алоқадорлик ва таъсир хусусиятларини англаш миллатга, халқقا экзистенциал борликда, бошқа миллатлар, халқлар билан тенг хуқуқлика ўзлигини намоён қилиш имконини беради. Шунинг учун маънавий юксалиш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятлар диалектикаси ўз-ўзидан рўёбга чиқадиган ижтимоий-фалсафий ҳодиса эмас, балки инсонларда, аввало, умуминсоний қадриятларни қадрлаш туйғусини мустаҳкамлашни, уларда масъулият ҳиссини оширишни тақазо этади. Шу маънода, фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида маънавий юксалиш миллий тараққиётнинг муҳим хусусиятларига доир изланишларимизни қўйидаги хулосалар асосида умумлаштириш мумкин:

1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз маънавиятининг тикланишини таъминлашга хизмат қиласди. Бу ҳодиса эса маънавий юксалишнинг миллий тараққиёт жараёни билан фундаментал боғлиқлигини таъминлайди. Натижада демократик ислоҳотлар давридагина тарихимизнинг битилмаган саҳифаларини ўрганиш имконияти яратилди. Кўп миллатли халқимизнинг анъана ва урф одатларининг сақланишига, натижада фуқаролар тафаккурининг ижобий ўзгаришига эришилди.

2. Маънавий юксалиш жараёнида юксак маданий қадриятлар қайта тикланди, маънавий меросга муносабат ўзгарди. Бу эса маънавий юксалиш жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятлар диалектикаси ўз-ўзидан рўёбга чиқадиган эмаслигини асослади. Натижада жаҳон цивилизацияси маънавияти ривожига муносиб ҳисса қўшган шаҳарларимиз юбилейлари халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилди. Жаҳон фани, маданияти, санъати, адабиёти ривожига, инсон тафаккури ўзгаришига салмоқли ҳисса қўшган алломаларимиз ижоди, таълимотларини ўрганиш, асарларини чоп этиш имкониятига эришилди.

3. Маънавий тикланиш, янгиланиш ва юксалиш янги даврда яшаётган, ижод қилаётган шахс маънавиятини шакиллантириш жараёни билан биргаликда кечди. Бу ҳолатнинг мураккаблиги жамиятда вужудга келаётган тубдан янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши даври билан боғлиқ бўлди. Шу билан биргаликда маънавий янгиланиш шахс тарбияси, яъни комил инсон шаклланишини таъминлашга хизмат қилди.

4. “Умуминсоний қадриятлар” ва уларнинг асосий шакллари хилма-хил тарзда, ранг-баранг ҳолат ва турли даражаларда намоён бўладиган, ғоят мураккаб, мазмунан ниҳоятда бой ва кенг қамровли ижтимоий тушунчалардир. У жамиятнинг

маънавий юксалиши ва миллий тараққиёт уйғунлигини таъминлашга барча имконияти ва билимини сарфлаётганларнинг фаолияти учун шароитларни яратиш учун умумдавлат миқёсида натижали тадбирлар амалга оширишга хизмат қилади.

Шу маънода, қуидаги тавсиялар амалий ҳаётда реал воқеликка айланиши ўзининг самарали натижасини бериши мумкин:

- миллий тараққиётнинг таълим тизимидағи ғоявий асосларини шакллантиришда муҳим рол ўйнаётган ижтимоий-гуманитар фанлардан, ўкув қўлланма ва монографиялар чоп этиш, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш;

- маънавий юксалиш миллий тараққиётнинг таркибий қисми сифатида миллатнинг, халқнинг тарихий-маданий, ижтимоий-ахлоқий, диний-рухий ва бадиий-эстетик қадриятларни идрок этиши учун демократик ислоҳотлар кўламини чуқурлаштириш;

- таълим тизими тараққиёти ва маънавий юксалиш жараёнини фалсафий тадқиқотлар доирасида ўрганиш ва шу асосда миллий истиқлол ғоясини тарғиб этишга йўналтирилган, маънавий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш;

- таълим тизими тараққиёти ва маънавий юксалиш жараёнининг жамият стратегик мақсадлари билан боғлиқлигини ўрганишга хизмат қилувчи маълумотлар базасини яратиш лозим.

ХУЛОСА:

Хулоса қилиб айтганда, таълим тизими тараққиёти ва маънавий юксалиш жараёни бир-бирига узвий боғлиқ, шу маънода, миллатнинг, халқнинг сиёсий стратегик мақсади ва ушбу мақсадга эришгач, уни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш воситаларини, механизмларини яратиш мақсади уйғунлашиб келади. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнининг ўзаро алоқадорлик хусусиятларини англаш миллатга, халққа экзистенциал борлиқда, бошқа миллатлар, халқлар билан тенг хуқуқлиқда ўзлигини намоён қилиш имконини беради. Кўпинча маънавий юксалиш миллий тараққиёт жараёнининг моҳиятини англашга нисбатан восита, қурол сифатида хам тушуниш мумкин. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш жараёнининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир хусусиятларини фалсафий тадқиқ этиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг *Олий Мажлисга Мурожаатномаси*. 24 январь 2020 йил// <https://uza.uz>

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Т.: Ўзбекистон, 2017.

3. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2020. - б. 458.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.
5. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й. <https://www.xabar.uz>
8. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. *Theoretical & Applied Science*, (2), 451-454.
9. Fayzieva, F., Hashimova, G., Hosilova, A., Inoyatova, S., & Rakhimova, M. (2020). Analysis of the relationship of quality of sociological research and quality of management. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(2), 2800-2804.
10. Хашимова, Г. Ф., & Султанова, Л. Б. (2022). HAMKORLIK PEDAGOGIKASI ASOSIDAGI INTERFAOL METODLARNING SAMARADORLIGI. ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, 5(2).